	20.03.2012 11:00:34	С0000000010	Продажа, ком...	6 000 000,00	сум	Автосвет	Основной скл...	ООО "С
	26.03.2012 16:06:29	С0000000008	Продажа, ком...	14 496 000,00	сум	Агава	Основной скл...	ООО "С
	26.03.2012 16:09:16	Н0000000006	Продажа, ком...	6 000 000,00	сум	Агава	Основной скл...	ООО "Н
	26.03.2012 19:24:42	С0000000009	Продажа, ком...	12 240 000,00	сум	Автосвет	Основной скл...	ООО "С
	30.03.2012 0:00:00	С0000000002	Продажа, ком...	3 860 000,00	сум	Бор	Основной скл...	ООО "С
	30.03.2012 12:00:00	С0000000001	Продажа, ком...	5 000 000,00	сум	Агава	Основной скл...	ООО "С
	31.03.2012 0:00:00	Н0000000012	Продажа, ком...	12 000 000,00	сум	Пятый элемент	Основной скл...	ООО "Н
	31.03.2012 23:59:59	С0000000011	Продажа, ком...	103 320 000,00	сум	Агава	Основной скл...	ООО "С

3.13.8. Ҳужжатларни босмага чиқариш

Ҳужжатлар: юкхати, тўлов топшириқномаси, ишончнома ва бошқалар учун босма шаклларни тайёрлаш мумкин. Шу билан бирга баъзи бир ҳужжатларнинг бирнечта босма шаклларидан биттасини танлаш имконияти мавжуд.

Шаклининг босма вариантлари ҳужжат пастидаги **Печать** тугмаси менюсида акс эттирилади.



Босма шаклларнинг биттаси андоза бўйича танланади, у **Печать** тугмасидан чапроқда алоҳида тугма сифатида акс эттирилади, **Печать** менюсида эса байроқча билан белгиланган. Андоза бўйича фойдаланиладиган босма шаклни ўзгартириш учун **Печать** тугмаси менюсининг **По умолчанию** бандидан

фойдаланиш зарур.

Конфигурация ҳужжатларининг бир қисми фақатгина ҳужжатларни киритиш, сақлаш, ва босмага чиқариш учун мўлжалланган, улар ҳисоб регистрларида ўтказмалар ёки ёзувларни ҳосил қилмайди. Масалан, бундай ҳужжатларга **Продажа** менюсидаги **Счет на оплату покупателю** киради.

Бошқа томондан, конфигурацияда фақатгина ўтказмаларни автоматик равишда ҳосил қилиш учун ишлатиладиган бирнечта ҳужжат турлари бор. Улар босма шаклларга эга эмас, масалан, мажбурий ҳужжатларнинг баъзи турлари.

3.13.9. Қидирув

Журналда олдин киритилган ҳужжатлар қидирувини тезлаштириш учун рақамлар ва сана бўйича қидирувдан фойдаланиш мумкин. Қидирувни соддалаштириш учун журналнинг буйруқлар панелидаги **(Установить интервал дат)** тугмаси ёрдамида журналдаги ҳужжатларнинг саналари оралиғини белгилаш мумкин.

Настройка периода
Установлен период: Июнь 2012 г.
Интервал | Период
Рабочий период
Год 2012
Квартал 2 квартал 2012 г. С начала года
Месяц Июнь 2012 г. С начала квартала
День 05.06.2012 С начала месяца
Произвольный интервал
с 01.06.2012
по 30.06.2012
Использовать эту настройку периода при открытии
OK Отмена Справка

Ҳужжатларни мураккаброқ шарт ёки бирнечта шартлар бўйича қидириш учун танлов ва саралаш шартларини журналнинг буйруқлар панелидаги (**Отбор и сортировка**) тугмаси ёрдамида қўйиш мумкин.

Отбор и сортировка

Отбор | Сортировка

☐ Документы по до...	Равно	
☐ Документы по ра...	Равно	
☐ Структура подчин...	Равно	
☐ Номер	Равно	
☑ Организация	Равно	ООО "Надежда"
☐ Счет организации	Равно	
☐ Оплачено	Равно	Нет
☑ Контрагент	Равно	Агава
☐ Валюта	Равно	
☐ Вид операции	Равно	
☐ Дата поручения	Равно	. . : :
☐ Ручная корректи...	Равно	Нет
☐ Приход	Равно	0,00
☐ Расход	Равно	0,00

Отборы

OK | Отмена | Справка

3.13.10. Намунавий операциялар

Намунавий операциялар такрорланадиган операцияларни киритишни енгиллаштириш учун мўлжалланган. Намунавий операция хўжалик операцияларини киритиш ва ўтказмаларини шакллантиришнинг андозаси (намунавий сценарийси) ҳисобланади.

Намунавий операция андозалари **Операции** менюсининг **Типовые операции** маълумотномасида сақланади. Ушбу маълумотнома олдиндан тўлдириб қўйилган.

Мавжуд андозага мувофиқ янги ҳужжат киритиш **Операции** – **Операции, введенные вручную** менюсидаги **Операции (бухгалтерский учет)** ҳужжати ёрдамида амалга оширилади. Ҳужжатнинг тўлдириш усулига **Типовые операции** ни кўрсатиш, керакли операцияни танлаш ва **Заполнить** тугмасини босиш зарур. Тўлдириш зарур бўлган реквизитларга эга шакл очилади.

Намунавий операциялар шаклидаги сўралган параметрлар киритилгандан сўнг автоматик равишда шаклланган ўтказмалар пайдо бўлади.

Операция (бухгалтерский учет): Новый *

Действия ▾ | Корректировка регистров | Задачи

Номер: от: 31.05.2012 0:00:00

Организация: ООО "Надежда" — Сумма операции: 60 000,00

Содержание: Поступление материалов: покупка

Способ заполнения: Типовые операции

Типовая операция: Поступление материалов: покупка — Заполнить

Проводки ▾

	№	Счет Дт	СубконтоДт1 / СубконтоДт2 / СубконтоДт3	Количество Дт / Валюта Дт / Вал. сумма Дт	Счет Кт	СубконтоКт1 / СубконтоКт2 / СубконтоКт3	Количество Кт / Валюта Кт / Вал. сумма Кт	Сумма / Содержание
Дт Кт	1	1010	Фен / Основной склад	100,00000	6010	Автосвет / № 2 от 01.01.2012		50 000,00 / Оприходованы ТМЦ
Дт Кт	2	4410.3			6010	Автосвет / № 2 от 01.01.2012		10 000,00 / Выделен НДС

Ответственный: Иванов И.И.

Комментарий:

Бухгалтерская справка | Печать ▾ | OK | Записать | Закрыть

Эслатма

Агарда келгусида намунавий операция андозаси ўзгарадиган бўлса, операциялар журнали орқали олдин киритилган барча операцияларни қайта шакллантириш мумкин. Бунинг учун эски андозага мувофиқ киритилган ҳар бир операцияни очиш ва **Заполнить** тугмаси орқали ўтказмаларни янгидан шакллантириш зарур.

Намунавий операцияни яратиш

Фойдаланувчининг ўзи намунавий операциялар андозаларини яратиши мумкин. Бунинг учун намунавий операциялар рўйхатини очиш, янги ёзувни яратиш буйруғини танлаши ва пайдо бўлган шаклни тўлдириши зарур.

Шаблон типовой операции: Создание

Действия ▾ | Советы

Операция | Бухгалтерский учет | Алгоритмы

Родитель:

Наименование: | Код:

Содержание операции (формула):

Сумма операции(формула):

Описание

Параметры, запрашиваемые при вводе типовой операции

Имя	Представление	Тип значения параметра	Значение (по умолчан...	Обязательный	Не запрашивать

Ввести операцию | OK | Записать | Закрыть

Намунавий операция андозаси шакли икки қисмга бўлинади.

Шаклнинг қуйи қисми намунавий операция параметрларига эга. Параметрлар деганда операция шаклланишида бевосита ёки алгоритмларда фойдаланиладиган маълумотлар тушунилади.Ушбу параметрлар ўтказмалар схемасига ва суммаларининг ҳисобланишига таъсир кўрсатади.

Фойдаланувчи намунавий операцияларни ишлатиб тайёр “сценарий” бўйича уларни киритганида, ушбу параметрлар тизим томонидан махсус ойна ёрдамида сўралади.

Намунавий операция шаклининг қуйи қисмида ушбу талабноманинг ҳар бир параметри учун қўшимча ҳоссалари кўрсатилади: тизим томонидан талабнома ойнасига автоматик равишда қўйиладиган андоза бўйича қиймати. Параметр қийматларини киритиш шартлигини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, параметр қийматини сўраш талаб қилинмаслигини, яъни ушбу қиймат талабнома ойнасида пайдо бўлмаслиги, тизим учун андоза бўйича қийматнинг кифоялигини кўрсатиш мумкин.

Шаклнинг юқори қисми намунавий операция элементларини қуйидаги бўлимларда акс эттиради:

- Операция;
- Бухгалтерский учет;
- Алгоритмы.

Операция бўлимида қуйидаги маълумотлар келтирилади:

- **Наименование** – у намунавий операцялар рўйҳатида акс эттирилади;
- **Содержание операции (формула)** – операция мазмуни тўғрисида матн ёки шундай матнни шакллантириш учун формула. Ушбу матн **Содержание авто¬матически формируемой операции** реквизитига киритилади
- **Сумма операции (формула)** – бу жойда операция суммасини ҳисоблаш учун формула киритилади;

- **Описание** – намунавий операциянинг ихтиёрий кўринишдаги шарҳи (автоматик равишда шаклланадиган операцияда фойдаланилмайди);

Бухгалтерский учет бўлимининг жадвал қисмида ўтказмаларни автоматик равишда шакллантириш учун андозалар акс эттирилади.

Ўтказма реквизитларини автоматик тўлдириш усулларини танлаш учун **Способ заполнения** тугмаси орқали махсус ойнадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жадвал қисмига ҳар бири автоматик равишда шаклланадиган ўтказмаларга мувофиқ келувчи ёзувлар киритилади. Ҳар бир ўтказма реквизити учун автоматик тўлдириш усули танланади:

- **Указывается при вводе** – ревизит автоматик равишда тўлдирилмайди, фойдланувчи ушбу реквизитни операция автоматик равишда шакллаганидан кейин қўлда киритиши керак бўлади.
- **Заполняется значением, указанным при вводе –** бу жойда намунавий операция шаклининг қуйи қисмида жойлашган намунавий операция параметрларидан биттасини кўрстатиш лозим
- **Вычисляется по формуле –** бу ерда намунавий операция параметрлари, сонлар, сатр константалари, ички тилнинг арифметик ва мантиқий операцияларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш формуласини кўрсатиш лозим

Алгоритмы бўлимида намунавий операциялар алгоритмлари ёзувлари акс эттирилади. Ушбу бўлим намунавий операцияларни созлаш учун ички тилда амалга оширилган алгоритмлардан фойдалана оладиган тажрибали фойдаланувчилар учун мўлжалланган.

3.13.11. Операцияларни қўлда киритиш

Конфигурацияда ҳисоб юритишнинг асосий усули хўжалик опрацииялари даллиларини ҳужжатлар ёрдамида рўйҳатдан ўтказиб бориш ҳисобланади.

Ҳисоб юритишнинг муқобил усули хўжалик далилларини ўтказмаларни қўлда киритиш (оддий усул) орқали рўйҳатдан ўтказиш ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби операцияларини қўлда киритиш (оддий усул) – ҳужжатлар билан автоматлаштирилмаган операцияларни маълумотлар базасига ёзиш ҳисобланади.

Қўлда киритилган операцияларни **Операции** - **Операции, вве¬денные вручную** менюсидаги махсус журнал орқали кўриш мумкин.

Ўтказмаларнинг асосий реквизитлари дебет ва кредит счетлари ҳисобланади. Ўтказмалар дебети учун ҳам, кредити учун ҳам ўрнатиладиган зарур бўлмаган қуйидаги реквизитларга

- Миқдор, агарда ҳисобварақлар режасида дебет ва кредит счетлари учун миқдорий ҳисоб юритиш аломати белгиланган бўлса;
- Валюта ва валюта суммаси, агарда ҳисобварақлар режасида дебет ва кредит счетлари учун ҳорижий валютада ҳисоб юритиш аломати белгиланган бўлса;
- Дебет ва (ёки) кредит счетлари бўйича ҳаражатлар моддаси;
- Биттадан учтагача бўлган миқдорда субконто кўрсатилади. Ҳисобварақлар режасида танланган дебет ёки кредит счети учун тегишли субконто турлари – аналитик ҳисоб объектлари гуруҳлари бўйича ҳисоб юритиш аломати белгиланган бўлиши лозим.

Ҳисоб юритиш қўлда амалга оширилганида фойдаланувчи ўтказмаларнинг барча реквизитларни бевосита киритади. Хўжалик фаолияти далилларини ҳужжатлар ёрдамида рўйҳатдан ўтказишда ўтказма реквизитлари автоматик равишда тўлдирилдаи.

3.13.11.1. Регистрлардаги ёзуварни тўғирлаш

Олдиндан белгилаб қўйилган операцияларни акс этирувчи ҳужжатларни ва қўлдаги бухгалтерия ҳисоби операцияларини киритиш билан бир қаторда ихтиёрий ўтказма ва ёзувларни ихтисослаштирилган маълумотлар ва жамғарма регистрларига киритиш имконияти мавжуд.

Регистрлар – маълумотномалардан, бирламчи ҳужжатлардан маълумотлар ёзиладиган ҳар хил жадвал турлари. Уларда тизимга киритилган ва ҳисоб счетлари бўйича тарқатилган ҳисоб маълумотлари акс эттирилади.

«VENKON: Хўжалик ҳисоби бухгалтерияси» конфигурациясида регистрлар учта гуруҳга бўлинади:

- Маълумотлар регистрлари;
- Жамғарма регистрлари;
- Бухгалтерия регистрлари;

Регистрларнинг асосий вазифаси ҳужжатлар томонидан ҳосил қилинган маълумотларни сақлаш ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда регистрлар

гуруҳлари бўйича мисоллар келтирилган:

Маълумотлар регистрлари	**Жамғарма регистрлари**	**Бухгалтерия регистрлари**
Таркиби маълум бир қийматлар комбинациясига мувофиқ, зарур ҳолларда вақт бўйича йойилган маълумотларни сақлашучун мўлжалланган	Қандайдир ўлчовларнинг (материал, пул, товар ва ҳ.к.) мавжудлиги ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар ҳисобини юритиш учун фойдаланилади	Хўжалик операциялари бўйича маълумотлар қай тарзда ҳисобда акс эттирилшини кўрстаиш учун фойдаланилади. Ушбу объект мустақил тарзда мавжуд эмас, балки конфигурациядаги аниқ ҳисобварақлар режаси билан боғланган
Масалан: Солиқ ставкалари, Ҳисоб сиёсати тўғрсида маълумотлар Амортизация параметрлари тўғрисида маълумотлар ва ҳ.к.	Масалан: Ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов Ўртача иш ҳақи ва ҳ.к.	Масалан: Ўтказмалар журнали

Конфигурация фойдаланувчиси номенклатура маълумотномаларини тўлдирса ёки қандайдир ишлов беришни бажарса маълумотлар регистрларига ахборотлар тушади.

Жамғарма ва бухгалтерия регистрларида ахборотлар аграда фойдаланувчилар ҳужжатларни ўтказадиган бўлса, яъни хўжалик операциясини рўйҳатга олган ҳолда пайдо бўлади. Ўз навбатида, ўтказилган ҳужжат бирнечта ўтказмаларни ҳосил қилиши мумкин. Жамғарма ва бухгалтерия реистрларида ҳар бир ўтказманинг ўзининг ёзуви шаклланади.

Тўғирлаш мақсадида регистрлар таркибини созлашни **Корректировка регистров** тугмаси орқали бажариш мумкин.



Регистрлар рўйҳатида тўғирланиши зарур бўлган регистрга байроқча ўрнатиш натижасида ҳужжатда кўрсатилган номли регистр пайдо бўлади. Бундан кейин тегишли бўлимлардаги регистрларга ёзувларни киритиш зарур. Битта ҳужжат орқали бирнечта регистрларни тўғирлаш мумкин.

3.13.11.2. Сторнолаш

Олдин киритилган маълумотларни сторнолаш учун **Операция (бухгалтерский учет)** менюсининг **Операции** -**Операции, введенные вручную** ҳужжати мўлжалланган.

В документе нужно указать способ заполнения **Сторно движений документа**, выбрать документ и нажать кнопку **Заполнить**. Сторнируемые движения документа заполняются автоматически - движения с отрицательными суммовыми и количественными значениями. При необходимости можно отредактировать движения.

Ҳужжатни тўлдиришнинг **Сторно движений документа** усулини кўрсатиш, ҳужжатни танлаш ва **Заполнить** тугмасини босиш зарур. Сторноланаётган ҳужжат ҳаракати автоматик равишда манфий сумма ва миқдорли ҳаракатлар билан тўлдирилади. Зарур ҳолларда ҳаракатларни таҳрирлаш мумкин.

3.13.12. Ўтказмаларни кўриш

Ўтказмаларни кўришнинг бирнечта хил усули бор.

Ҳужжатларни ўтказишда пайдо бўлган ўтказмаларни тегишли ҳужжат шаклидаги **(Результат проведения документа)** тугмасини босиш орқали кўриш мумкин.

Аниқ операция таркибига кирувчи, қўлда ёки намунавий операция ёрдамида ҳосил қилинган ўтказмаларни операциялар журналларида ёки журнал орқали очиш мумкин бўлган аниқ операция шаклида кўриш мумкин.

Барча йўллар билан ҳосил қилинган (ҳужжатлар, намунавий операциялар орқали ёки қўлда киритилган) операциялар **Операции** - **Журнал операций** менюсидаги умумий журналда акс эттирилади.

Операциялар журналининг қуйи қисмида белгиланган ҳужжат орқали ҳосил қилинган ўтказмалар кўрсатилади.

Ҳосил бўлган ўтказмалар **Операции** менюсининг **Журнал проводок (бухгалтерский учет)** да ҳам акс эттирилади.

Журнал проводок (бухгалтерский учет)

Действия ▾ | Проверка проводок

Счет: | Организация: | Регистратор:

Период / Документ / Организация	№	Счет Дт	Субконто Дт	Количество Дт / Валюта Дт / Вал. сумма Дт	Счет Кт	Субконто Кт	Количество Кт / Валюта Кт / Вал. сумма Кт	Сумма / Содержание / № журнала
11.01.2012 0:00:00	1	5620	Приобретение ...		5110	Расчетный в А...		1 700 000,00
Платежное поручение ис...						Приобретение ...		
ООО "Надежда"								
15.01.2012 0:00:00	1	1010	Нитки швейные	500,000	6010	Гермес		250 000,00
Поступление товаров и у...			Поступление т...			№ 5 от 01.01.2...		Оприходованы ...
ООО "Надежда"			Основной склад					
15.01.2012 0:00:00	2	4410.3	Гермес		6010	Гермес		50 000,00

Ўтказмаларни бевосита ўтказмалар журналида ўзгартириб бўлмайди, лекин тўғирлаш учун ўша ўтказмани ҳосил қилган ҳужжат ёки операцияни очиш мумкин.

3.14. СТАНДАРТ ҲИСОБОТЛАР

3.14.1. Стандарт ҳисоботларнинг умумий тавсифи

Стандарт ҳисоботлар бухгалтерия ҳсоби учун счетлар қолдиқлари, муомалалари, субконто ва ўтказмалар бўйича ҳар хил кесимларда маълумотлар олиш учун мўлжалланган.

Стандарт ҳисоботлар асосан бухгалтерия ҳисобини юритувчи корхонанинг ичида фойдаланиш учун мўлжалланган.

Стандарт ҳисоботларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- Оборотно-сальдовая ведомость;
- Шахматная ведомость;
- Оборотно-сальдовая ведомость по счету;
- Обороты счета;
- Анализ счета;
- Карточка счета;
- Анализ субконто;
- Обороты между субконто;
- Карточка субконто;
- Сводные проводки;
- Отчет по проводкам;
- Главная книга.

Санаб ўтилган ҳисоботлар **Отчеты** менюсида жойлашган

Ҳисоботларда бухгалтериянинг аналитик ва синтетик маълумотларидан фойдаланилади.

Ҳохлаган ҳисобот маълум бир ташкилот ва маълум бир давр учун шакллантирилиши мумкин. Бу стандарт ҳисоботларни шакллантиришда ўтказмалар журналидан фақатгина танланган ташкилот ва муддатга тегишли ўтказмалар олинади деган маънони англатади. Агарда ҳисоботда ташкилот кўрсатилмаса, у маълумотлар базасининг барча ташкилотлари бўйича

шакллантирилади.

Ҳохлаган ҳисобот очилишида унда бошланғич маълумотлар андоза бўйича тўлдирилади. Ташкилот сифатида фойдаланувчи созламаларида белгиланган асосий ташкилот кўрсатилади.

3.14.2. Ҳисобот параметрларини созлаш

Шаклнинг юқори қисмида буйруқлар панели жойлашган



Диалог майдони ёрдамида ҳисобот параметрларини ўзгартириш: бошқа муддатни, ташкилотни ва б. танлаш мумкин.

Ҳисоботни **Печать** тугмаси орқали босмага чиқариш мумкин. Ҳисоботни сақлаш учун **Сохранить как** тугмаси мўлжалланган.

Жадвал қисмидаги катакчаларни белгилаган ҳолда ∑(**Сумма выделенных ячеек**) майдонида тўғридан тўғри жами суммага эга бўлиш мумкин.

Созламалар панели Настройка тугмаси ёрдамида очилади (ёпилади).



Ҳисоботларнинг созламалар панелларининг кўринишини тугмаси орқали созлаш мумкин. Ҳисобот созламаларини сақлаш учун (**Сохранить настройки отчета**) тугмасидан, ҳисобот созламаларини юклаш учун

(**Загрузить настройки отчета**) тугмасидан фойдаланилади. Ҳисоботни унинг тарихидаги созламалар бўйича шакллантириш учун История тугмаси мўлжалланган.

3.14.3.Созламалар панелидаги параметрлар

Показатели

Жадвал қисмида бухгалтерия ҳисоби маълумотлари акс эттирилади. Тегишли созламалар ёрдамида миқдор ва валюта суммалари тўғрисидаги маълумотларни ҳосил қилиш мумкин.

Показатели

- [x] БУ (данные бухгалтерского учета)
- [ ] US (данные пересчитанные в USD)
- [x] Количество

Группировка

Гуруҳлаш панели орқали аналитик объектлар (субконто), объект гурухлари бўйича гурухлашни белгилаш мумкин. Субконтони гурухлаш тартиби **(Вверх/Вниз)** тугмаси ёрдамида ўзгартирилади. Панел ёрдамида субсчетлар бўйича тафсиллаш созламаларини ҳам ўрнатиш мумкин.

Группировка

Обороты: За период отчета

- [ ] По субсчетам

	Поле	Тип группировки
✔	Склады	Элементы
✔	Номенклатура	Элементы
✔	Партии	Элементы

Отбор

Отбор бўлимида фойдаланувчи белгиланган параметрлар бўйича қийматларни танлаб олиш имкониятига эга.



Поле устунида ҳисоботни созлаш учун мавжуд параметр ёки реквизитларни танлаш зарур. Охирги устунда танланган параметрнинг ёки параметр реквизитининг аниқ қиймати кўрсатилади.

Вид сравнения устунида таққослаш шарти танланади. Бу жойда қуйидаги вариантлардан биттасини танлаш мумкин:

- Равно – параметр қийматга тенг бўлиши керак;
- Не равно – параметр қийматга тенг эмас;
- В списке – параметр **Значение** устунида кўрсатилган қийматларнинг биттасига тенг бўлиши керак, бунақа шарт танлаганда **Значение** устунида битта шартни эмас балки шартлар рўйҳатини кўрсатиш мумкин бўлади;
- В группе – параметр қийматга ёки унга бўйсинувчи қийматга тенг бўлиши керак;
- В группе из списка – қийматлар рўйҳати учун олдинги шартга ўхшаш;
- Не в списке – параметр қийматга ва унга бўйсинувчи қийматларга тенг бўлмаслиги керак;
- Не в списке из списка – қийматлар рўйҳати учун олдинги шартга ўхшаш;
- Заполнено (Не заполнено) – тўлдирилган (тўлдирилмаган) қийматлар бўйича танлов.

Агарда жадвал қисмида бирнечта сатрларни тўлдиришнинг икки ёки ундан ортиқ шартлри кўрсатилса, ҳисоботларни шакклантириш учун маълумотлар танлаб олинаётганида барча шартларнинг бир вақтда бажарилиши текширилади.

Сортировка

Саралаш панели орқали қийматларни ҳисоботнинг устунлари бўйича тартибга солиш (ўсиш/камайиш тартибида) мумкин.



Оформление

Шакл бериш панели орқали сарлавҳа, имзоларнинг чиқарилиши ва манфий қолдиқларнинг ажралиб туриши созламалрини бошқариш мумкин.



Дополнительные данные

Фойдаланувчи ҳисоботга қўшимча маълумотларни чиқариш мумкин. Масалан, муомала-сальдо қайдномасига балансдан ташқари счетлар ва счет номлари бўйича маълумотларни қўшиши мумкин.

Дополнительные данные

Выводить забалансовые счета

Размещение: В отдельных колонках

Выводить наименование счета

Диаграмма

Бухгалтерия ҳисоби маълумотларини график кўринишда тасвирлаш учун Диаграмма тугмаси мўлжалланган.



Диаграмма созламалари: **показатели**, **представление**, **подпись**ларни созламалар панелида ўзгартириш мумкин

3.13.4. Ҳисобот маълумотларини тафсиллаш механизми

Барча стандарт ҳисобтларнинг афзаллиги уларни тафсиллаш мумкинлиги ҳисобланади. Ушбу имконият хатоларининг топилиши ва тўғирланишини сезиларли даражада енгиллаштириш, фойдаланувчилар иш жараёнида юзага келувчи саволларга жавоб топиш имконини беради.

Курсор тафсилланиши мумкин бўлган катакчага тўғирланса у шаклини олади. Тафсиллаш сичқончани фойдаланувчини қизиқтирган кўрсаткичга икки марта босиш орқали амалга оширилади. Ёрдамчи ойнада тафсилот вариантига аниқлик киритиш мумкин. Тафсилот натижаси компьютер экранига мазкур ҳисобот устига алоҳида шакл кўринишида чиқарилади.

Оборотно-сальдовая ведомость за Январь 2012 г. ООО "Надежда"

Период: 01.01.2012 – 31.01.2012 Организация: ООО "Надежда"

Сформировать отчет | Печать... | Сохранить как... | Σ 2 000 000,00 | Настройка | История

ООО "Надежда"

Оборотно-сальдовая ведомость за Январь 2012 г.

Выводимые данные: БУ (данные бухгалтерского учета)

Счет	Наименование	Сальдо на начало периода		Обороты за период	
		Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
003	Материалы, принятые в переработку			948 000,00	316
003.1	Материалы на складе			790 000,00	158
003.2	Материалы, переданные в производство			158 000,00	158
0100	Основные средства	2 000 000,00		7 680 000,00	
0130	Машины и оборудование			7 380 000,00	
0130.2	Рабочие машины и оборудование			7 380 000,00	
0140	Мебель и принадлежности			300 000,00	
0200	Амортизация основных средств				263
0240	Амортизация мебели и принадлежностей				263
0400	Нематериальные активы			99 470,00	
0420	Торговые марки, знаки и промышленные образцы			99 470,00	
0700	Оборудование к установке			6 000 000,00	6 000
0710	Оборудование к установке - отечественное			6 000 000,00	6 000
0800	Учет капиталовложения			7 479 470,00	7 479
0810	Незавершенное строительство объектов ОС			6 100 000,00	6 100
0820	Приобретение основных средств			1 280 000,00	1 280
0830	Приобретение нематериальных активов			99 470,00	99
1000	Материалы	180 000,00		9 719 800,00	477
1010	Сырье и материалы	180 000,00		9 625 000,00	477
1030	Топливо			94 800,00	
1500	Заготовление и приобретение материальных ценностей			262 083,00	262

ОСВ по счету 0100
Карточка счета 0100
Анализ счета 0100
Обороты счета 0100 по месяцам
Обороты счета 0100 по дням

Тафсилот танланган кўрсаткич таркибини батафсил очиб берадиган бошқа ҳисобот бўлиши мумкин. Ундан кейин янги ҳисобот орқали кейинги тафсилотни олиш мумкин. Лекин, энг охирги ва энг батафсил ҳисобот танланган кўрсаткич қийматига таъсир этган ўтказмаларни акс эттирувчи **Карточка счета** ҳисобланади.

Агарда мазкур ҳаракатлар кетма-кетлиги ҳисобдаги хатоликни топиш ва уни тўғирлаш учун қилинаётган бўлса, очилган **Карточка счета** ҳисоботи орқали ҳужжатга ўтиш ва уни тўғирлаш мумкин.

Шакллантирилган ва экранга чиқарилган ҳисоботлар ўтказмаларни қайта ёзгандан кейин буйруқлар панелидаги **Сформировать отчет** тугмасини босиш орқали қайтадан шакллантирилиши зарур.

3.14.5. Стандарт ҳисобот турлари

3.14.5.1. Муомала-сальдо қайдномаси

Оборотно-сальдовая ведомость ҳар бир сатрида маълум бир счетга ёки субсчетга таалуқли маълумотлар акс эттирилган жадвал кўринишида шакллантирилади.

Счетлар рақамларининг ўсиш тартибида жойлаштирилади.

Оборотно-сальдовая ведомость за Январь 2012 г. ООО "Надежда"

Период: 01.01.2012 – 31.01.2012 Организация: ООО "Надежда"

Сформировать отчет | Печать... | Сохранить как... | Σ 0,00 | Настройка | История

ООО "Надежда"

Оборотно-сальдовая ведомость за Январь 2012 г.

Выводимые данные: БУ (данные бухгалтерского учета)

Счет	Сальдо на начало периода		Обороты за период		Сальдо на конец периода	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
0100	2 000 000,00		7 680 000,00		9 680 000,00	
0130			7 380 000,00		7 380 000,00	
0130.2			7 380 000,00		7 380 000,00	
0140	2 000 000,00		300 000,00		2 300 000,00	
0200		1 500 000,00		263 333,33		1 763 333,33
0240		1 500 000,00		263 333,33		1 763 333,33
0400			99 470,00		99 470,00	
0420			99 470,00		99 470,00	
0700			6 000 000,00	6 000 000,00		
0710			6 000 000,00	6 000 000,00		
0800			7 479 470,00	7 479 470,00		
0810			6 100 000,00	6 100 000,00		
0820			1 280 000,00	1 280 000,00		
0830			99 470,00	99 470,00		
1000	180 000,00		9 719 800,00	477 500,00	9 422 300,00	
1010	180 000,00		9 625 000,00	477 500,00	9 327 500,00	
1030			94 800,00		94 800,00	
1500			262 083,00	262 083,00		
1510			262 083,00	262 083,00		
2000			2 779 011,05	2 779 011,05		
2010			2 779 011,05	2 779 011,05		

Жадвалда ҳар бир счет учун давр боши ва охирига қолдиқ суммалари (дебет ва кредит бўйича) ва кўрсатилган давр учун дебет ва кредит муомалалари тасвирланади.

Ҳисоботнинг буйруқлар панели уни созлаш учун ҳар хил имкониятларни беради. Ҳусусан, валюта ҳисобини юритиш аломати белгиланган счетлар бўйича субчет, субконто, валюта суммаларини, маълумотларни давр бўйича гуруҳлаш, балансдан ташқари счетлар ва уларнинг номларини чиқаришни ўрнатиш ёки бекор қилиш мумкин.

3.14.5.2. Шахмат қайдномаси

Ушбу ҳисобот танланган давр учун счетлар орасидаги муомалаларни жадвал кўринишида акс эттиради. Жадвал сатрлари дебетланадиган счетларга, устунлар эса кредитланадиган счетларга мувофиқ келади.

Размер таблицы отчета может получиться столь большим, что она не поместится полностью на экране монитора. При этом просматривать ее придется только по отдельным фрагментам, перемещая их по экрану с помощью линеек прокрутки формы отчета.

В ячейке (клетке) сформированного отчета на пересечении счетов дебета и кредита выводится оборот между ними за выбранный период: оборот с дебета счета, указанного слева, в кредит счета, указанного сверху.

Ҳисоботнинг ўлчами катта бўлишидан у экран мониторига тўлиқ сиғмаслиги мумкин. Уни фақатгина алоҳида фрагментлар бўйича ҳисобот шаклидаги бурама линейка ёрдамида экран бўйлаб силжитиш орқали кўриб чиқишга тўғри келади.

Шаклланган ҳисоботнинг дебет ва кредит счетлари кесишувидаги катакчада танланган давр учун улар орасидаги муомала (чапдаги счет дебетидан юқоридаги счет кредитига) кўрсатилади.

Шахматная оборотная ведомость (Январь 2012 г.) ООО "Надежда"

Действия ▾ | Сформировать | Заголовок

Период с: 01.01.2012 по: 31.01.2012 Организация: ООО "Надежда"

По валютам | По субсчетам | Данные по забалансовым счетам

ООО "Надежда"

Выводимые данн

Дебет \ Кредит	9100	9200	9300	9400	9500	9600	9900	Деб. обороты
6000								6 080 000,00
6300								10 827 320,00
6400								953 252,32
6700			47 060,44					1 633 678,79
6900								600 000,00
8500								225 000,00
9000							22 981 100,00	22 981 100,00
9100								1 278 345,08
9200								540 033,00
9300							47 060,44	47 060,44
9400								5 560 728,84
9500							126 415,00	126 415,00
9600								221,40
9900	1 278 345,08			5 560 728,84		221,40		6 839 295,32
Кред. обороты	1 278 345,08	540 033,00	47 060,44	5 560 728,84	126 415,00	221,40	23 154 575,44	203 157 719,64

3.14.5.3. Счет бўйича муомала-сальдо қайдномаси

Ҳисобот танланган счет учун бошланғич ва якуний қолдиқларни ҳамда давр учун муомалани кўрсатади.

Оборотно-сальдовая ведомость по счету 6010 за Январь 2012 г. ООО "Надежда"

Период: 01.01.2012 – 31.01.2012 Счет: 6010 Организация: ООО "Надежда"

Сформировать отчет | Печать... | Сохранить как... | Σ 0,00 | Диаграмма | Настройка | История ▾

ООО "Надежда"

Оборотно-сальдовая ведомость по счету 6010 за Январь 2012 г.

Выводимые данные: БУ (данные бухгалтерского учета)

Контрагенты \ Договоры	Сальдо на начало периода		Обороты за период		Сальдо на конец периода	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
6010		180 000,00	6 080 000,00	20 261 553,00		14 361 553,00
Автосвет		180 000,00	6 000 000,00	7 350 000,00		1 530 000,00
№ 2 от 01.01.2012		180 000,00	6 000 000,00	7 350 000,00		1 530 000,00
АИС				99 470,00		99 470,00
Заявка от 15.01.2011г.				99 470,00		99 470,00
Гермес				11 832 083,00		11 832 083,00
№ 5 от 01.01.2012				11 650 000,00		11 650 000,00
№ 6 от 01.01.2011				182 083,00		182 083,00
Норма				900 000,00		900 000,00
№ 8 от 01.01.2011				900 000,00		900 000,00
Юроф-сервис			80 000,00	80 000,00		
№ 1 от 01.01.2011			80 000,00	80 000,00		
Итого		180 000,00	6 080 000,00	20 261 553,00		14 361 553,00

Аналитик ҳисоб юритиладиган счетлар учун қолдиқлар ва муомалаларни аналитик ҳисоб объектлари (субконто) ва ташкилотлар бўйича алоҳида ҳосил қилиш мумкин.

Агарда танланган счет субсчетга эга бўлса ҳисоботни субчетлар бўйича батафсил шакллантириш мумкин.

Маълумотлар танланган вақт оралиқлари бўйича бўлинган ҳолда ҳосил қилинади, вақт оралиқлари сифатида ҳохлаган муддатни кўрсатиш мумкин. Ҳосил қилинадиган маълумотлар такркиби бўйича **Оборотно-сальдовая ведомость по счету** ҳисоботи **Оборотно-сальдовая ведомость** ҳисоботининг фрагментини эслатади.

3.14.5.4. Счет муомаласи

Обороты счета ҳисоботи кўрсатилган давр учун танланган счет бўйича

бошланғич ва якуний муомалаларни ҳамда уларнинг корреспонденцияланувчи субсчетлар кесимидаги тафсилотини ҳосил қилади.Маълумотлар танланган вақт оралиқлари бўйича бўлинган ҳолда пайдо бўлади, вақт оралиқлари сифатида ҳохлаган муддатни кўрсатиш мумкин.

Обороты счета 2910 за Январь 2012 г. ООО "Савдо"

Период: 01.01.2012 – 31.01.2012 Счет: 2910 Организация: ООО "Савдо"

Сформировать отчет | Печать... | Сохранить как... | Σ 0,00 | Диаграмма | Настройка | История

ООО "Савдо"

Обороты счета 2910 за Январь 2012 г.

Склады \ Номенклатура \ Партии	Показатели	Начальное сальдо Дт	Начальное сальдо Кт	Оборот Дт	1500	6000	Оборот Кт	9100	Конечное сальдо Дт
2910	БУ			15 797 641,36	2 096 399,36	13 701 242,00	905 514,13	905 514,13	14 892 127,23
	Кол.			600,000		600,000	75,000	75,000	525,000
Основной склад	БУ			15 797 641,36	2 096 399,36	13 701 242,00	905 514,13	905 514,13	14 892 127,23
	Кол.			600,000		600,000	75,000	75,000	525,000
Выключатель	БУ			258 084,24	77 267,24	180 817,00	25 808,42	25 808,42	232 275,82
	Кол.			100,000		100,000	10,000	10,000	90,000
Поступление товаров и услуг С0000000003 от 25.01.2012 12:00:06	БУ			258 084,24	77 267,24	180 817,00	25 808,42	25 808,42	232 275,82
	Кол.			100,000		100,000	10,000	10,000	90,000
Датчик реле-перепада	БУ			100 000,00		100 000,00	36 750,00	36 750,00	63 250,00
	Кол.			100,000		100,000	35,000	35,000	65,000
Поступление товаров и услуг С0000000001 от 15.01.2012 12:00:02	БУ			100 000,00		100 000,00	36 750,00	36 750,00	63 250,00
	Кол.			100,000		100,000	35,000	35,000	65,000
Фен	БУ			8 000 000,00		8 000 000,00			8 000 000,00
	Кол.			200,000		200,000			200,000
Поступление товаров и услуг С0000000005 от 31.01.2012 23:59:59	БУ			8 000 000,00		8 000 000,00			8 000 000,00
	Кол.			200,000		200,000			200,000
Электродвигатель	БУ			6 539 557,12	2 019 132,12	4 520 425,00	653 955,71	653 955,71	5 885 601,41

Ҳар бир сартда чапдан ўнг томонга қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

- бошланғич сальдо (дебет ва кредит бўйича)
- счет дбети бўйича жами муомала
- счет дебети бўйича муомаланинг корреспонденцияланувчи счетлар бўйича бўлиниши, яъни танланган счет дебетидан корреспонденцияланувчи счет кредитига
- счетнинг жами кредит бўйича муомаласи
- счет кредити бўйича муомаланинг корреспонденцияланувчи счетлар бўйича бўлиниши, яъни танланган счет дебетидан корреспонденцияланувчи счет кредитига
- якуний сальдо (дебет ва кредит бўйича)

Ҳисобот созламалари ёрдамида маълумот бир қисмининг акс эттирилишини ўчириб қўйиш, дебет ва кредит бўйича муоалалаларни эса корреспонденцияланувчи счетнинг субсчетигача тафсиллаш мумкин.

Ҳусусан, **Обороты счета** ҳисоботи қуйидаги саволга жавоб беради: кўрсатилган муддат учун қанақа ҳажмда ва қанақа счетлар билан корреспонденцияда танланган счетга маблағлар келиб тушган ва чиқиб кетган.

Обороты счета ҳисоботи созламаларида танланган счет учун кенгайтирилган сальдо ҳосил қилиш аломатини кўрсатиш мумкин. Бунда кенгайтирилган сальдо ҳар бир гуруҳлаш даражаси ва счет бўйича жами ҳисобланади

Ушбу ҳисоботдан кўрсатилган счетга тегишли маълумотларнинг **Оборотно-сальдовой ведомость** ва **Шах¬матная ведомость** ҳисоботларидан олинган қулай ва ихчам танламаси сифатида фойдаланиш мумкин.

3.14.5.5. Счет таҳлили

Анализ счета ҳисоботи маълум бир вақт учун танланган счетнинг қолган барча счетлар билан муомалалари ҳамда давр боши ва охири учун қолдиқларини акс эттиради. Чиқариладиган маълумотлар таркибига кўра мазкур ҳисобот **Обороты счета** ҳисоботига ўхшаш. Асосий фарқи маълумотларни тасвирлаш шаклида ҳисобланади.

Анализ счета 5110 за Январь 2012 г. ООО "Надежда"

Период: 01.01.2012 – 31.01.2012 ... Счет: 5110 ... Организация: ООО "Надежда"

Сформировать отчет | Печать... | Сохранить как... | Σ 0,00 | Диаг

ООО "Надежда"

Анализ счета 5110 за Январь 2012 г.

Выводимые данные: БУ (данные бухгалтерского учета)

Счет	Кор. Счет	Дебет	Кредит
5110	Начальное сальдо	20 000 000,00	
	4300		80 000,00
	4310		80 000,00
	4400		200 000,00
	4450		200 000,00
	5000		600 000,00
	5010		600 000,00
	5600		1 700 000,00
	5620		1 700 000,00
	6000		6 000 000,00
	6010		6 000 000,00
	6300	710 000,00	
	6310	710 000,00	
	6400		900 000,00
	6420		900 000,00
	9200	540 033,00	
	9220	540 033,00	
	9400		5 000,00
	9430		5 000,00
	Оборот	1 250 033,00	9 485 000,00
	Конечное сальдо	11 765 033,00	

Шакллантирилган ҳисобот сатрларида корреспонденцияланувчи счет номерлари ва уларнинг дебет ва кредит бўйича муомалалари келтирилган жадвални ўзида мужассам этади.

3.14.5.6. Счет карточкаси

Карточка счета энг сўнги – ҳисоб ёзувигача, яъни ўтказмагача бўлган тафсилотга эга стандарт ҳисобот саналади. Шакллантирилган ҳисобот танланган даврга тегишли ва танланган счет қатнашган ўтказмалар тўғрисидаги маълумотларнинг саналар бўйича тартибга солинган танланмасидан иборат

Карточка счета 2910 за Январь 2012 г. ООО "Надежда"

Период: 01.01.2012 – 31.01.2012 Счет: 2910 Организация: ООО "Надежда"

Сформировать отчет | Печать... | Сохранить как... | Σ 0,00 | Настройка | История

ООО "Надежда"

Карточка счета 2910 за Январь 2012 г.

Период	Документ	Аналитика Дт	Аналитика Кт	Показатель	Дебет		Кредит		Текущее сальдо	
					Счет		Счет			
	товаров и услуг Н0000000022 от 06.01.2012 12:00:00 Оприходованы ТМЦ	Поступление товаров и услуг Н0000000022 от 06.01.2012 12:00:00 Основной склад	№ 12121 от 01.01.2012	Кол.		1,000			Д	1,000
06.01.2012	Поступление доп. расходов Н0000000006 от 06.01.2012 12:00:01 Учтены доп. расходы	Выключатель Поступление товаров и услуг Н0000000022 от 06.01.2012 12:00:00 Основной склад	Выключатель Доставка	БУ Кол.	2910	85 351,41	1510		Д Д	28 106 383,41 1,000
09.01.2012	Поступление доп. расходов Н0000000006 от 06.01.2012 12:00:01 Учтены доп. расходы	Выключатель Поступление товаров и услуг Н0000000023 от 09.01.2012 12:00:00 Основной склад	Выключатель Доставка	БУ Кол.	2910	96 731,59	1510		Д Д	28 203 115,00 1,000
09.01.2012	Поступление товаров и услуг Н0000000023 от 09.01.2012 12:00:00 Оприходованы ТМЦ	Выключатель Поступление товаров и услуг Н0000000023 от 09.01.2012 12:00:00 Основной склад	Автосвет № 12121 от 01.01.2012	БУ Кол.	2910	31 757 169,60 1,000	6015		Д Д	59 960 284,60 2,000
Обороты за период и сальдо на конец				БУ Кол.		59 960 284,60 2,000		0,00	Д Д	59 960 284,60 2

Ҳисобот ҳар бир сатри битта ўтказмага мувофиқ келувчи жадвал кўринишида тасвирланади. Жадвалда танланган счет бўйича бошланғич, якуний қолдиқлар ва якуний муомалалар тўғрисидаги хулосавий малумотлар келтирилади.

Ҳисобот учун оралиқ натижаларни танланган давр: кунлар, ҳафталар ва ҳ.к. кесимида чиқаришни созлаш мумкин. Агарда счет бўйича анлитик ҳисоб юритилса, созламаларда ўтказмаларни субконто қиймати бўйича танлашни кўрсатиш мумкин

3.14.5.7. Субконто таҳлили

Анализ субконто бошланғич ва якуний сальдо ҳамда танланган субконто тури ва қийматига эга счетлар бўйича давр учун муомалани кўрсатади

Анализ субконто Контрагенты, Договоры за 1 квартал 2012 г. ООО "Надежда"

Период: 01.01.2012 – 31.03.2012 Организация: ООО "Надежда"

Сформировать отчет | Печать... | Сохранить как... | Σ 0,00 | Диаграмма | Настройка | История

ООО "Надежда"

Анализ субконто Контрагенты, Договоры за 1 квартал 2012 г.

Отбор: Контрагенты Равно "Гермес"

Контрагенты	Показатели	Сальдо на начало периода		Обороты за период		Сальдо на конец периода	
Договоры		Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
Счет							
Гермес	БУ			11 869 673,40	11 961 756,40		92 083,00
	Вал.			60,00	60,00		
№ 5 от 01.01.2012	БУ			11 650 000,00	11 650 000,00		
	Вал.						
6000	БУ			11 650 000,00	11 650 000,00		
	Вал.						
№ 6 от 01.01.2011	БУ			110 000,00	202 083,00		92 083,00
	Вал.						
4300	БУ			100 000,00	10 000,00	90 000,00	
	Вал.						
6000	БУ			10 000,00	192 083,00		182 083,00
	Вал.						
№ 880 от 01.01.2012	БУ			109 673,40	109 673,40		
	Вал.			60,00	60,00		
6000	БУ			109 673,40	109 673,40		
	Вал.			60,00	60,00		
USD	БУ			109 673,40	109 673,40		
	Вал.			60,00	60,00		
Итого	БУ			11 869 673,40	11 961 756,40		92 083,00
	Вал.			60,00	60,00		

Ҳар бир субконто қиймати учун счетлар бўйича тафсилот кўзда тутилган. Ҳисобот созламаларида субсчетлар бўйича қўшимча тафсилотни белгилаш мумкин. Маълумотлар танланган вақт оралиқлари бўйича бўлинган ҳолда чиқарилади, вақт оралиқлари сифатида ҳохлаган муддатни кўрсатиш мумкин.

3.14.5.8. Субконтолараро муомала

Обороты между субконто ҳисоботи танланган субконтолар рўйҳати ва корресподенцияланувчи субконтолар рўйҳати орасидаги барча муомалаларни чиқаради.

3.14.5.9. Субконто карточкаси

Карточка субконто ҳисоботи ўтказмагача бўлган тафсилотга эга сандарт ҳисобот саналади. Ҳисобот ёрдамида танланган даврга тегишли ва танланган субконто тури ва қиймати қатнашган ўтказмалар тўғрисидаги маълумотларнинг саналар бўйича тартибга солинган танланмасига эга бўлиш мумкин.

Ҳисобот ҳар бир сатри битта ўтказмага мувофиқ келувчи жадвал кўринишида тасвирланади. Таркибига кўра у **Карточка счета** ҳисоботига ўхшаш.
Жадвалда танланган счет бўйича бошланғич, якуний қолдиқлар ва якуний муомалалар тўғрисидаги хулосавий малумотлар келтирилади.
Ҳисобот учун оралиқ натижаларни танланган давр: кунлар, ҳафталар ва ҳ.к. кесимида чиқаришни созлаш мумкин.

3.14.5.10. Ўтказмалар бўйича ҳисобот

Ҳисоботга берилган мезонлар бўйича танлаб олинган ўтказмалар тўғрисида маълумотлар чиқарилади. Созламаларни андоза бўйича ишлатганда ҳисоботга ўтказмалар рўйҳати чиқарилади. Ҳисоботни созлаш шаклида ўтказмалар тўғрисидаги маълумотларни ҳисоботга чиқаришнинг қуйидаги мезонларини кўрсатиш мумкин: дебет счети, кредит счети, валюта, ҳужжат, субконто номида ёки опрецияда бўлиши лозим бўлган матн фрагменти.

Отчет по проводкам за Январь 2012 г. ООО "Надежда"

Период: 01.01.2012 – 31.01.2012 Организация: ООО "Надежда"

Сформировать отчет | Печать... | Сохранить как... | Σ 225 000,00 | Настройка | История

ООО "Надежда"

Отчет по проводкам за Январь 2012 г.

Выводимые данные: БУ (данные бухгалтерского учета)

Период	Документ	Аналитика Дт	Аналитика Кт	Дебет		Кредит	
				Счет		Счет	
25.01.2012	Поступление товаров и услуг Н0000000013 от 25.01.2012 0:00:00 Затраты на приобретение ОС	<...> Станок универсальный СДУ-11 Основной склад	<...> Автосвет № 2 от 01.01.2012	0820	1 200 000,00	6010	1 200 000,00
25.01.2012	Поступление доп. расходов Н0000000005 от 25.01.2012 12:00:01 Зачет аванса поставщику	<...> Юроф-сервис № 1 от 01.01.2011	<...> Юроф-сервис № 1 от 01.01.2011	6010	80 000,00	4310	80 000,00
25.01.2012	Поступление доп. расходов Н0000000005 от 25.01.2012 12:00:01 Доп. расходы при поступлении товаров	<...> Станок универсальный СДУ-11 Доставка	<...> Юроф-сервис № 1 от 01.01.2011	1510	80 000,00	6010	80 000,00
25.01.2012	Поступление доп. расходов Н0000000005 от	<...> Станок универсальный	<...> Станок универсальный	0820	80 000,00	1510	80 000,00

3.14.5.11. Бош китоб

Ушбу ҳисобот ҳар бир счет (субчет) учун бошланғич ва якуний сальдосини ва унинг бошқа счетлар (субсчетлар) билан танланган давр учун муомаласини кўрсатади.

Настройка тугмаси орқали маълум давр: ой, квартал, ярим йил, йил бўйича тафсилотни белгилаш мумкин. Бундан ташқари, ҳисоботни босмага чиқаришда ҳар бир счет маълумотлари бош китобнинг алоҳида варақлари кўринишида чиқиши учун варақлар бўйича бўлиниш аломатини кўрсатиш мумкин.

Главная книга (2012 г.) ООО "Надежда"

Действия | Сформировать | Заголовок | Настройка...

Период с: 01.01.2012 по: 31.12.2012 Организация: ООО "Надежда"

ООО "Надежда"

Главная книга

2012 г.

Главная книга. Счет 0100 "Основные средства"

Период	Начальное сальдо дебет	Начальное сальдо кредит	С кредита счета 0800	С кредита счета 8500	Оборот по дебету	Оборот по кредиту	Конечное сальдо дебет	Конечное сальдо кредит
Январь 2012 г.	2 000 000,00		7 380 000,00	300 000,00	7 680 000,00		9 680 000,00	
Февраль 2012 г.	9 680 000,00						9 680 000,00	
Март 2012 г.	9 680 000,00		9 000 000,00		9 000 000,00		18 680 000,00	
Апрель 2012 г.	18 680 000,00					8 800 000,00	9 880 000,00	
Май 2012 г.	9 880 000,00						9 880 000,00	
Июнь 2012 г.	9 880 000,00						9 880 000,00	
Июль 2012 г.	9 880 000,00						9 880 000,00	
Август 2012 г.	9 880 000,00						9 880 000,00	
Сентябрь 2012 г.	9 880 000,00						9 880 000,00	
Октябрь 2012 г.	9 880 000,00						9 880 000,00	
Ноябрь 2012 г.	9 880 000,00						9 880 000,00	
Декабрь 2012 г.	9 880 000,00						9 880 000,00	
Итого	2 000 000,00		16 380 000,00	300 000,00	16 680 000,00	8 800 000,00	9 880 000,00	

3.15. УНИВЕРСАЛ ҲИСОБОТЛАР

Конфигурация **Отчеты** – **Прочие** менюсида учта универсал ҳисоботга эга:

- Рўйҳат/кросс жадвали

- Қолдиқлар ва муомала
- Универсал ҳисобот

3.15.1. Қолдиқлар ва муомалалар

Танланган жамғарма регистридан қолдиқлар ва муомала қайдномаларини олиш учун мўлжалланган. Қайднома **Начальный остаток, Приход, Расход, Конечный остаток** устунлари ва тафсилот устунларига эга жадвал кўринишида чиқарилади.

Сырье и материалы в незавершенном производстве: остатки и обороты (2012 г.)

Действия ▾ | Сформировать | Отбор | Заголовок | Настройка...

Период с: 01.01.2012 по: 31.12.2012 Раздел учета: Сырье и материалы в незавершенном производстве

Сырье и материалы в незавершенном производстве: остатки и обороты

Период: 2012 г.

Показатели: Количество, Сумма
Группировки строк: Организация
Поля детальных записей: Подразделение, Номенклатура, Счет затрат, Принятый, Документ оприходования

Организация					Начальный остаток		Приход		Расход		Конечн
Подразделение	Номенклатура	Счет затрат	Принятый	Документ оприходования	Количество	Сумма	Количество	Сумма	Количество	Сумма	Количество
ООО "Надежда"							1 989,00000	1 214 500,00	1 989,00000	1 214 500,00	
Производственный цех №1	Полотно трикотажное	2010	Нет	Партия (ручной учет) Н000000001 от 31.12.2011 23:59:59			100,00000	180 000,00	100,00000	180 000,00	
Производственный цех №1	Полотно трикотажное	2010	Нет	Поступление товаров и услуг Н000000012 от 15.01.2012 0:00:00			450,00000	832 500,00	450,00000	832 500,00	
Производственный цех №1	Нитки швейные	2010	Нет	Поступление товаров и услуг Н000000012 от 15.01.2012 0:00:00			33,00000	16 500,00	33,00000	16 500,00	
Производственный цех №1	Этикетка	2010	Нет	Поступление товаров и услуг Н000000012 от 15.01.2012 0:00:00			1 100,00000	27 500,00	1 100,00000	27 500,00	
Производственный	Нитки	2010	Да	Поступление			6,00000	3 000,00	6,00000	3 000,00	

Қайднома конфигурацияда мавжуд хоҳлаган жамғарма регистри учун ҳосил қилиниши мумкин.

Остатки и обороты ҳисоботи **Оборотно-сальдовая ведомость** стандарт ҳисоботига ўхшаш

3.15.2. Рўйҳат/кросс жадвали

Ушбу ҳисобот танланган жамғарма регистри бўйича танланган сана учун қолдиқ қайдномасини олиш учун мўлжалланган. Регистр маълумотлари рўйҳат кўринишида ҳам, кросс-жадвал кўринишида ҳам чиқарилиши мумкин.

НДФЛ сведения о доходах (1 квартал 2012 г.)

Действия ▾ | Сформировать | Отбор | Заголовок | Настройка...

Период с: 01.01.2012 по: 31.03.2012 Раздел учета: НДФЛ сведения о доходах

НДФЛ сведения о доходах

Период: 1 квартал 2012 г.
Отбор:
Показатели: Сумма дохода, Сумма вычета
Поля детальных записей: Код дохода, Период регистрации, Код дохода.Наименование
Итоги по: Организация Элементы, Физическое лицо Элементы

Физическое лицо			Сумма дохода	Сумма вычета
Код дохода	Период регистрации	Наименование		
ООО "Надежда"			12 845 690,40	
Акбаров Акмаль Акбарович			884 342,26	
Доходы от сдачи имущества в аренду	01.01.2012 0:00:00	Доходы от сдачи имущества в аренду	100 000,00	
Выплаты, начисляемые и выплачиваемые физическим лицам в соответствии с трудовым договором или по договорам гражданско-правового характера	01.01.2012 0:00:00	Выплаты, начисляемые и выплачиваемые физическим лицам в соответствии с трудовым договором или по договорам гражданско-правового характера	260 000,00	
Выплаты, начисляемые и	01.02.2012 0:00:00	Выплаты, начисляемые и	250 000,00	

НДФЛ сведения о доходах

Общие | Группировки | Отбор | Поля | Сортировка

Группировки строк	Тип
Организация	Элементы
Физическое лицо	Элементы

Группировки колонок	Тип

OK | Закрыть

Ҳисобот варианти **Группировка** бўлимининг **Настройка** мулоқот ойнасида кўрсатилади. Агарда ушбу бўлимда маълумотлар турига фақат сатрлар бўйича гуруҳлаш учун кўрсатилса ҳисобот рўйҳат кўринишида, яъни бошланғич қолдиқлар ва муомалаларсиз кесик **Остатки и обороты** ҳисоботи кўринишида

шакллантирилади.

Агарда **Группировка** бўлимида маълумотлар турига сатрлар ёки устунлар бўйича гуруҳлаш учун кўрсатилса, ҳисобот кросс-жадвал кўринишида шакллантирилади.

3.15.3. Универсал ҳисобот

Ушбу ҳисобот базадаги ҳужжатлар, маълумотномалар, жамғарма ва маълумот регистрларидан маълумотларни олиш учун мўлжалланган.



Тип данных майдонида ҳисобот ҳосил қилиш зарур бўлган маълумотлар манбаси тури кўрсатилади

Ҳисоботда ҳужжатлар ва маълумотномалар бўйича объектларнинг бош ва жадвал қисмларидаги реквизитлар маълумотлари акс эттирилади. Ҳисоботда жамғарма регистрлари бўйича қолдиқ ва муомалалар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Ҳисоботда маълумот регистрлари бўйича регистр ёзувлари ҳақида маълумотлар уларни акс эттириш, даврий маълумот регистри бўлган вазиятда ундаги охирги ва дастлабки ёзувларни чиқариб ташлаш мумкинлиги имкониятлари билан чиқарилади.

Настройки тугмаси орқали ҳисоботга чиқариладиган майдонлар, танловлар ва саралаш кўрсатиладиган ҳисоботни созлаш шакли очилади. Шунингдек, шартли равишда тахт қилишни, масалан, манфий сонга эга устунларни бўяшни созлаш мумкин.

Отбор и сортировка бўлимида ҳисобот майдонларининг танлови ва сараланиши параметрлари кўрсатилади. **Оформление** бўлимида ҳисобот майдонларининг шартли равишда тахт қилиш созланади.

Созлаш шаклининг буйруқлар панелидаги меню ёрдамида ҳисоботнинг тури турини кўрсатиш мумкин: жадвал ёки кросс-жадвал. Иккинчи ҳолда ҳисобот устанларини созлаш мумкин.

Кўпгина ҳисобот созламаларини тўғирлаш имконини берувчи тажрибали фойдаланувчилар учун режим буйруқлар панелидаги **Расширенная настройка** тугмаси орқали ишга туширилади. Универсал ҳисботнинг жорий созламарини сақлаш ёки олдин сақланган созламаларни юклаш буйруқлар панелидаги (**Сохранить настройки отчета**) и (**Загрузить настройки отчета**) тугмалар ёрдамида амалга оширилади.

4-БОБ. ҲИСОБ ЮРИТИШ

4.1. Пул маблағларининг аналитик ҳисоби

Пул маблағлари бўйича операцияларни пул маблағлари ҳаракати моддалари кесимида олиб бориш мумкин. Бунинг учун ҳисоб параметрларини созлашдаги **Денежные средства** бўлимида **По статьям движении денежных средств** байроқчасини ўрнатиш лозим.

Пул маблағлари моддалари бўйича муомалалар 4-сонли “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот” шаклини автоматик равишда тўлдиришда фойдаланилади. Агарда 4-сонли шаклни тўлдиришга зарурат бўлмаса пул маблағлари моддалари бўйича аналитик ҳисобни ўчириб қўйиш мумкин. Бу банк ва касса операцияларини киритишни соддалаштиради.

Аграда ташкилот пул маблағлари ҳисбини пул маблағлари ҳаракати моддалари бўйича юритса, касса ва банк ҳужжатларида **Статья движении денежных средств** реквизити тўлдирилиши лозим. Мазкур реквизит қиймати **Банк(Касса)** менюсидаги **Статьи движения денежных средств** маълумотномасидан танлаб олинади.

Статьи движения денежных средств

Действия ▾ | Добавить | Советы

Наименование: Статьи движения

Код	Наименование	Вид движения денежных средств
000000007	Выплаты персоналу и от их имени	Выплаты персоналу и от их имени
000000001	Выручка от продажи объектов основных средств	Поступления от покупателей за основные средства
000000010	Командировочные расходы	Выплаты персоналу и от их имени
000000002	Оплата товаров, работ, услуг, сырья и иных оборотных а...	Выплаты поставщикам за материалы, товары, работы, услуги
000000003	Оплата труда	Выплаты персоналу и от их имени
000000009	Приобретение иностранной валюты	Прочие денежные выплаты от операционной деятельности
000000004	Приобретение объектов основных средств	Выплаты постащикам за основные средства
000000012	Продажа иностранной валюты	Прочие денежные выплаты от операционной деятельности
000000008	Прочие списания	Прочие денежные выплаты от операционной деятельности
000000005	Расчеты по налогам и сборам	Уплата прочих налогов и взносов
000000011	Розничная реализация	Прочие денежные поступления от операционной деятельности
000000006	Средства, полученные от покупателей и заказчиков	Поступления от реализации продукции (товаров услуг работ)

Ушбу маълумотнома 5000 «Касса», 5100 «Рас¬четные счета», 5200 «Валютные счета». 5500 «Специальные счета в банках» счетларига субконто тури тариқасида белгиланган ва пул маблағлари ҳаракатлари моддалари бўйича аналитик ҳисоб юритиш учун фойдаланилади.

Нақд пул маблағлари ҳисобини юритиш бўйича ҳужжатлар **Касса** менюсида жойлашган. Нақд эмас пул маблағлари ҳисобини юритиш бўйича ҳужжатлар **Банк** менюсида жойлашган.

4.1.1. КАССА

4.1.1.1. Кирим касса ордери

Нақд пул маблағларининг ташкилот кассасига келиб тушишини рўйҳатга олиш учун **Касса** менюсидаги **Приходный кассовый ордер** ҳужжати мўлжалланган.

Ҳужжат орқали қуйидаги хўжалик операциялари турлари акс эттирилади.

- Харидордан тўлов;
- Чакана савдо тушу-мини қабул қилиш;
- Ҳисобдор шаҳс томонидан пул маблағларининг қайтарилиши;
- Ишчи томонидан пул маблағларининг қайтарилиши;

- Таъминловчи томонидан пул маблағларининг қайтарилиши;
- Банкдан нақд пул маблағларини олиш;
- Контрагентлар билан кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар;
- Пул маблағларининг бошқа киримлари;

Операция тури **Операция** реквизитида белгиланади.

